




Агар Марко Поло сингари айрим сайёҳларни истисно килсак, Европада Шаркни чинакамига ўрганиш XVIII асрда бошланди. Шарк олимлари томонидан Европани ўрганиш эса IX асрдаёқ авж олган эди. Европа ахолиси, табиати, шаҳар ва мамлакатлари хақидаги дастлабки ишончли илмий маълумотлар араб манбаларида учрайди. Бунинг сабаби бизда ўша даврда жугрофия фанининг кучли тараккий этганидир. Академик И.Ю. Крачковскийнинг айтишича, X асрнинг араб тилида 200 га яқин жугрофий асар ёзилган (Крачковский. Изб. сочин., IV том, 31-6.). Осиё ва Африкадан ташқари, Испания, Византия, Кавказ, Жанубий Россия, Волгабўйи, Ўрта денгиз атрофидаги мамлакатларни айланиб чиқиб, китоб ёзган мусулмон олимлари анчадир. Муслим ибн Абумуслим Жармий Рум (Византия)да кўп йиллар истикомат қилиб, унинг жугрофий тузилиши, унга қўшни бўлган авар, булгор, славянлар, хазарлар ҳаётини тадқиқ этади. Ибн Фазлон Европа бўйлаб саёхатлари натижасини “Рисола”да жамлайди, Ибн Даст бўлса, “Хазарлар, бургаслар, булгорлар, мажорлар, славянлар ва руслар хақида хабарлар” номли китобида бу халқларнинг турмуш тарзи, урф-одати хақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Шаркий Европани ўрганишга атоқли географ олим Масъудий ҳам алоҳида эътибор берган. Лекин Европага оид, айниқса, “Шимолий Европага оид энг кўп маълумот Берунийдадир” (Крачковский. Ўша китоб, 273-6.). Беруний ўзидан олдинги олимларнинг асарларидан фойдаланиш билан бирга, турли хил сайёҳлар, савдогарларнинг хикоялари асосида жуда кўп янги фактлар тўплайди; Сибирь, Ангара дарёси, Байкал кўли, шимолда Оқ денгиз ва Болтик денгизи хақида ёзади; славянлар, варяглар, руслар, скандинавияликлар; “куёш ботмайдиган жойларга борган сайёҳлар” хусусида гапирди (қаранг: Беруний. “Осор ул-бокия”, Т., “Фан”, 1963, 170 — 181-6.). X асрдаёқ Шарк олимларининг тадқиқотлари туфайли китъаларнинг табиий тузилиши, ўлкалар,

давлатларнинг географик ўрни, дарё ва денгизлар, халқаро алоқа йўллари тўғрисида маълумот берадиган хариталар, атласлар тузилган; меридианлар бўйича ҳисоб-китоблар ўтказилган, ернинг қуррасимон эканлиги тўғрисида фаразия майдонга ташланган. Шундай хариталарнинг бири Х. Колумб кўлига тушиб, уни дунё сафарига илҳомлантирганини ёзишади (Крачковский. Ўша китоб, 135-6). Шарк олимларининг ишлари кейинги асрларда ҳам европаликлар учун факат Осиё ва Африкани эмас, балки Европа китъасини тадқиқ этишда бой манба бўлиб хизмат қилди. Буни узоққа бормасдан Н.Г.Чернишевскийнинг ўз ижоди мисолида кузатиш мумкин. Улуғ мунаққиднинг жугрофий асарлар, саёхатномаларга қизиқиши катта бўлганини юқорида айтган эдик. Унинг илмий оламини бойитган китоблар орасида Шарк муаллифларининг асарлари ҳам анча. Чунончи, у К.Ф. Свенсеннинг “1848—1853 йиллардаги асосиё жугрофий кашфиётлар ва саёхатномалар” номи китобига ёзган такризида Осиё мамлакатларини кезиб чиққан йигирма бир кишининг эсдаликларини кўздан кечириб чиқар экан, шулар орасида араб олими Шайх Муҳаммад Шунзийнинг асарларини ҳам таърифлаб беради (ПСС, 3-том, 452-6.). “А.С. Норов саёхатлари” номи мақоласида эса Чернишевский Осиё билан Европа орасидаги қадимги қарвон йўллари, Шарку Гарб халқларининг иқтисодий ва маданий алоқалари тўғрисида тўхталади, шу муносабат билан у Ўрта денгиз атрофидаги оролларнинг илгариги қўриниши, пайдо бўлиш тарихи устида фикр юритиб, бундай ёзади: “Масъудийнинг ҳикоя қилишича, илгари Мисрдан Кибр отасига олиб борадиган кечув йўли мавжуд бўлган; кейинчалик Мисрнинг шимолий қисмини денгиз босиб кетган... Бошқа араб ёзувчиси Ёкут ривоят қиладики, денгиз Юнонистон, Сурия ва улар атрофидаги қўп ерларни босиб олган эди, сув остига чўккан ерларнинг тепаликлари ҳозир Ўрта денгиз шарқий қисмида орол бўлиб қўринади. Диодор Сицилийскийда ҳам Осиё китъасининг анча қисми денгиз остида қолиб кетган деган гап бор. Нихоят, араб ёзувчиси А. Беруний (Чернишевский фойдаланган манбаларда Беруний араб олими дейилади) Искандария билан Қўстантания орасида ер бор эди, деб хабар беради” (ПСС, 2-том, 542-6.). Н.Г.Чернишевский бу маълумотни қайси манбалардан олганини ёзмаган. Хар ҳолда у Беруний ёки Масъудий асарини асл нусхасида ўқиган дея олмаймиз, чунки агар шундай бўлганда, Чернишевский фойдаланган китобининг номини тилга олар ёхуд бу ҳақда кенгрок гапирган бўларди. У даврларда Шарк жугрофияювлари, жумладан, Беруний асарлари рус тилига ҳали таржима қилинмаган эди. Лекин С. де Саси, Заҳау, Френ қаби Гарбий европалик шарқшуносларнинг тадқиқотлари Россияда ҳам тарқалган эди. Улар Беруний асарларидан сайланма қисмларни тўплаб нашр эттирганлар. Вюстенфелд Ёкутнинг 6 жилдлик жугрофий лугатини чоп этган (1866 — 76). Чернишевский ана шу манбалар орқали Беруний мероси билан танишган бўлиши керак (Силвестр де Саси ишлари билан Чернишевский ёшлигидан қизиққан).

Н.Г.Чернишевский Беруний номини факат бир жойда тилга олади, ҳолос. Аммо шу қичик фактнинг ўзи улуғ рус демократининг Ўрта осийлик буюқ мутафаккир ижодига катта ҳурмат билан қараб, унинг асарларини энг мўътабар манба деб билганидан далолат беради. Бу факт яна шу фикрни ҳам айтишга асос бўладики, Чернишевский Беруний асарларидан яхшигина хабардор бўлган, унинг араб маданияти оламидаги мавқеини ҳис қилган.

Н.Г.Чернишевский Беруний ватани — қўҳна Шаркнинг ажралмас бўлаги Ўрта Осиё тарихи, бу ерда яшайдиган халқларнинг ҳаёти билан ҳам қизиқади. Маълумки, Чернишевский ижоди Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши даврига

тўғри келади. Чор ҳукуматининг мустамлака килинган аҳолига муносабати, бу ўлканинг ўрганилиши, адиб эътиборидан четда қолмаган. Унинг асарларида Ўрта Осиёнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи, тарихи ва маданияти тўғрисидаги материаллар ва бу асосдаги фикрларни анчагина учратиш мумкин. Ўрта Осиёни (баъзан Турон, Туркистон ҳам дейди) у қадимий маданият марказларидан бири деб ҳисоблаб, Миср, Хиндистон, Сурия билан ёнма-ён қўяди; Бохтар, Сугд, Хоразм хакида, араб ва мўғул истилоси оқибатлари, Темур ва темурийлар, Хиндистонда ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласининг ишлари (Тожмахал санъати, Акбарнинг адолатли тадбирлари) хусусида мулоҳазалар юритади.

Ўрта Осиёнинг гуллаган даврларидан бири, Чорнишевский назарида, сомонийлар замонасидир (Беруний ва Ибн Сино даври). У пайтда ўлка ҳам иқтисодий, ҳам маданий кўтарилишни бошдан кечирган. Шунинг учун олим Марказий Осиёни тадқиқ этувчи рус шарқшуносларининг ишларига баҳо берар экан, сомонийлар даври маданиятига оид топилдиқларни гоят қадрлаб кўрсатади: "...биринчи китобда (П. Савелевнинг "Археологик ва нумизматик изланишлар" китоби — Н.К.) бизга хали маълум бўлмаган сомонийларнинг бир неча дирхамларини ва шу сулолага тааллуқли бешта динар (олтин танга)ни кўрамиз. Сомонийлар динари жуда қадимий; ҳозиргача бутун Европа нумизматик кабинетларида бу тангаларнинг факат саккизтаси маълум эди; топилмалар бизнинг билимларимизни оширади. Китобда Шарқ тарихига оид янги топилган тангалар ва бошқа ашёлар хакида маълумот кўп" (ПСС, 2-том, 781-6.).

Нумизматика (тангашунослик) — археологиянинг бир қисми. Археологияда ҳар йили қанчадан-қанча қашфиётлар қилинади, жаҳон олимлари бир йилнинг ўзида бир неча минг осориатикалар, тангачаларни ер остидан топиб, тасниф этадилар. Билимнинг чуқурлигини қарангки, шунча танқидий ва адабий ишлар, сиёсий иқтисод, тарих ва фалсафа муаммолари билан банд бўлган ҳолда жаҳон археологияси ютуқларидан тўла хабардор бўлиш, нечта музейда неча дона сомоний тангаси борлигини билиш ва бу ҳақда "Современник" журналича мақола ёзиб, ватандош олимларининг ютуқларини тарғиб этишга улгуриш! Бу айни пайтда Ўрта Осиё маданиятини рус журналхонлари орасида тарғиб этиш ҳам эди.

Марказий Осиё забот этилгандан кейин рус олимлари ўлкамизнинг тарихи, этнографияси ва географиясини ўрганишни кенг қўламда бошлаб юбордилар. Уларнинг ишлари яхши натижалар берди. Император археология жамиятининг Шарқ бўлими ташаббуси билан Туркистонда археологларнинг кўнгилли жамияти тузилади (бу ҳақда "Туркистон вилояти газети" эълон қилган). Жамиятда маҳаллий зиёлиларнинг вакили ҳам бўлган. Жамият аъзолари Самарқанд, Хивада дастлабки казишларни амалга оширганлар. Тарихчилар, археологлар ва сайёҳларнинг илмий кузатишлари натижаси Россияда нашр этирилган. Шундай китоблардан бири тўғрисида Н.Г.Чернишевский мақола ёзиб, "Современник"да бостирган. Мақолада, жумладан, қуйидаги фикрни ўқиймиз: "...бошқалардан муҳимлари: бизнинг саёҳатчи олимимиз П.А. Чехачев томонидан тузилган "Кичик Осиёдаги қадимий ёдгорликларни кўздан кечириш" деган иши; Вильямино-Зерновнинг "Кўкон хонлигининг Мухаммадалидан Худойрхонга қадар бўлган даври тўғрисида ахборот" номли мақоласи кўпгина қизиқ маълумотлар беради" (ПСС, 3-том, 590-6.).

В. В. Вильямино-Зернов рус шарқшунослари орасида биринчилардан бўлиб Марказий Осиё тарихини ўрганган кишидир. Унинг "Киргиз-қайсақлар ва Россия билан Ўрта Осиёнинг Абулхайрхон вафотидан кейинги ўзаро муносабатларига доир тарихий маълумотлар", "Рус подшолари томонидан бошқаларга инъом этилган тархонликларни

ўрганишга доир манбалар” деган асарлари бор. Шунингдек, у Бухоро, Кўкон ва Хива хонликларидаги пул муомалаларини тадқиқ этган. Вильяминов-Зерновнинг катта хизматларидан бири Алишер Навоий асарлари асосида XVI асрда тузилган “Абушка” лугатини нашр эттирганидир. Бундан ташқари, у бир канча кўлёмаларни тўплаб тасниф этган, Навоий, Машраб асарлари хакида маълумот берган туркшунос олим эди.

Н.Г.Чернишевскийнинг Вильяминов-Зернов каби йирик шаркшунос олим асарларига эътибор қилиши унинг Марказий Осиё билан қизикиши жиддий бўлганини кўрсатади. Бирок, у бу ишда факат рус олимлари ишларини мутолаа қилиш билан қаноатланмай, шу билан бирга Гарб сайёҳларининг китобларини ҳам ўқиб чиққан. “1848—1853 йиллардаги асосий жуғрофий кашфиётлар ва сайёҳатномалар” мақоласида Самарканд ва Бухорога сайёҳат қилиб, китоб ёзган Леманн деган киши тўғрисида ахборот берган бўлса (ПСС, 3-том, 452-6.), тугалланмай қолган бир ишда Осиё китъасининг иқлими, ҳар бир вилоятнинг ўртача ҳарорат даражасини аниқлаб қелиб, Бухоро билан Самарканд Осиёнинг ўртача 20 ҳарорат қизигида жойлашганини қайд этади. Бу ишда, шунингдек, Ўрта Осиёнинг иқлимига ҳос бошқа қузашилар ҳам баён этилган (ПСС, 3-том, 897-6.)

Н.Г.Чернишевский Марказий Осиёни бир томондан қадимий маданият ўчоғи деб билса, иккинчи томондан, бу ўлканинг тарихини дахшатли қиргин ва ур-йиқитлар ғирдобидаги тарих деб тушунган. Қўчманчи қабилаларнинг қўп асрлик талашлари ўлка аҳолисини қолдан қолдирди. Айниқса, мўғул истилоси ҳалокатли бўлди; мўғуллар Россияда бўлгани каби Марказий Осиёни ҳам узок йиллар таладилар, кейин бошқа қабилалар уларнинг ишини давом эттирди (ПСС. 9-том, 23-6.). Оқибат аҳвол шу даражага етдики, ижтимоий ҳаётда турғунлик бошланди; жаҳолат ва ҳурофот авж олди. Шунинг учун, дейди танқидчи, Ўрта Осиёда (Россиянинг бошқа, чекка ўлкаларида ҳам) феодал зулмининг турли қўриниши, ҳатто, қулдорлик муносабатлари яшаб қелмоқда. Чор ҳукумати буни йўқ қилиш учун бирор чора ҳам қўрган эмас (9-том, 27-6.). Хусусан, хотин-қизларнинг аянчли аҳоли улуғ инсонпарвар Чернишевскийнинг юрагини ачитади. Хотин-қизларга нисбатан бўлаётган зўрлик эксплуатациянинг энг қўпол, энг дахшатлисидир, уларга мол сифатида қараб, бозорга чиқариб сотадилар. “Милл асарининг таржимасига шарҳлар” номи ишда у, зўравонликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг бир канча шакллари қайд этиб, кейин бундай муносабатларнинг қўриниши Марказий Осиёда ҳам мавжудлигини ачиниб ёзади. Албатта, чор ҳукумати бундай эскилик қолдиқларини йўқотишдан манфаатдор эмасди, аксинча, у зулм ва истибдодни қучайтирди, меҳнатқаш халқни баттарроқ эзишга шериклик қилди. Хақиқий озодлик, жумладан, хотин-қизлар озодлигини ҳам самодержавие тузумини улоқтириш билан қўлга қиритиш мумкинлигини Чернишевский М. Михайлов билан бўлган мунозараларида баён этган эди. Аммо у, бу улуғ мақсадни амалга оширишнинг йўллари қиёқлаб беролмади, албатта.

Н.Г.Чернишевский Ўрта асрлар тарихи хакида фикр юритганда Туркистон билан Россия орасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар устида ҳам тўхтаб ўтади. Мўғул-татарлар истилосининг оқибатлари, Олтин Ўрда хонлари қуришлари тўғрисида айтган фикрлар шу жиҳатдан ҳаракатлидир. Чернишевскийнинг уқтиришича, босқинчиликни қасб қилиб олган одамда бирор-бир ўзга халққа ёрдам бериш, олижаноблик қилиш нияти ҳеч қачон бўлган эмас. Лекин жаҳонқирлар босқинчиларнинг ўзаро қуришлари бир-бирини қучсиэлантиради ва маэлум халқларга ўз озодлиғи учун қурашиш имқониятини яратиши мумкин. Бир қайтлар Италияни немислар, француэлар ва австрияликлар роса таладилар. Бирок Австрия қучсиэлангач, Франция унга қарши қуришиб, маэлуб этди. Натижада, Италия халқи муэақиллик учун қўзғалишга йўл топди. “Айнан ҳудди

биздагидай, — деб давом эттиради Чернишевский, — Олтин Ўрда татарлари... кучсизлана бошладилар: шу пайт эса Темурнинг мясида Тўхтамишни бутунлай яксон қилиш фикри пайдо бўлди, уни ўз тўдаси билан орқага қайтишга мажбур этдилар; Темурдан калтак еган Сарой татарлари бўлса ўзларини ўнглаб ололмадилар; мана шунда рус халқи бирмунча ҳаракат эркинлигини қўлга киритди ва бирлашиб қилжий бошлади” (ПСС, 7-том, 947-6.). Н.Г.Чернишевский ҳулосалаб дейдики, Темурни Россия ҳалосқори деб аташ нотўғри, аммо унинг Тўхтамиш қўшинини тор-мор этиши рус халқининг бирлашиб қураш олиб боришига шароит вужудга келтирди. Шундай қилиб, Марказий Осиё, унинг қишлари, шаҳарлари тўғрисида, тарихда яшаб ўтган буюқ арбобларининг ишлари хақида Н.Г.Чернишевский яхши хабардор бўлган. Унинг нияти рус халқи билан бирга Россиядаги бошқа мазлум элларни озод ва бахтиёр қўриш эди. У бутун умрини шунга бағишлади. Н.Г.Чернишевский тарихда қам учрайдиган буюқ шахслардан бири эди. Унинг ижоди ва фаолиятида XIX аср ўрталаридаги рус ақлининг, илгор инқилобий қуқларининг интилишлари мужассам бўлганди. Россиянинг Шарққа муносабати ҳам бу улуг инсон асарларида тўла ақс этди. Шарқнинг юрағи, дарди ва аламларини, қудрати ва бунёдқорлигини тўлиқ тушунди; санъатини, адабиётини севди, ардоклади; Фирдавсий, Хофиз даҳосига тан берди, уларнинг асарларидан муқаддас қураши йўлида истифода этди. Чернишевский, Михайлов, Фетларнинг ижоди туфайли “Россияда аллақачон таниш бўлган Саъдий ва Хофиз иомлари” (Пушкин) яна қўпроқ шухрат топди, дунё генийлари қаторида тилга олинадиган бўлди. Демак, умумбақарий тараккиёт тарихи Шарқу Гарб ўртасидаги ҳар қил даврий, сиёсий деворларни суриб ташлади. Зеро, Шайх Саъдий Шерозий айтганидек: “Бани одам бир тананинг аъзоларидур, улар азалда бир гавҳардан пайдо бўлганлар”. Шарқ билан Гарб ана шу муаззам организмнинг ўзаро ажралмас аъзолари сифатида, тобора яқинлашиб, маданий-адабий алоқаларда бирлашиб бормокда. Инсоният тараккиётининг талаби ҳам ана шундай.

Нажмиддин Қомиловнинг

"Тафаккур қарвонлари" қитобидан